

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Ўринов, Ш.Хайдарова Олтинчи тартибли гиперболик типдаги дифференциал тенглама учун бошланғич масала	6
А.Ахлимирзаев, М.Ибрагимов, И.Ақромова Хосмас интеграллар ва уларни ўрганиш бўйича баъзи бир мулоҳазалар	14
Б.Кадиркулов, М.Жалилов Капутооператори қатнашган тўртинчи тартибли аралаш типдаги тенглама учун бир нолокал масала ҳақида	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

У.Тойиров, Д.Рохмонов, Р.Мурадов Хомашё валигининг жин машинаси самарадорлигига таъсирини ўрганиш	25
М.Собиров, Х.Сатторова, Р.Тошқўзиев Қутбланган ёруғликни стока параметрлари орқали тасвирлаш	31

КИМЁ

И.Асқаров, М.Ақбарова Айрим синтетик кир ювиш воситаларининг кимёвий таркиби ва уларни синфлаш	36
Ш.Абдуллоев Темир (III) асосидаги гетеробиметаллик оксо-карбоксилатларнинг электрон парамагнитик резонанс спектрлари	40
И.Асқаров, Ш.Қирғизов, Ю.Бадалова Шоколаднинг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича таҳлили	46
Р.Исматова, М.Амонова, М.Амонов Пахта толаси асосидаги калава ипларни янги таркиб билан оҳорлашни физик-кимёвий асослаш	51
Д.Каримова, В.Хужаев, Г.Рахматуллаева Косметик кремлар сифатини органолептик ва физик-кимёвий услублар ёрдамида аниқлаш	57
Ў.Ҳолмирзаев 9-синф ўқувчиларининг кимё фанидан экспериментал кўникмаларини шакллантиришни такомиллаштириш	62

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

Т.Эгамбердиева, Н.Самедова Ўзбек ва турк халқларининг миллий урф-одат ва анаъаналаридаги уйғунликлар таҳлили....	67
Р.Арслонзода, Д.Муйдинов Ўзбекистон Республикасининг архив иши соҳасидаги халқаро алоқалари	71
А.Ерметов Ўзбекистон ички ишлар органлари ходимларининг миллий таркиби хусусида (1925-1985 йиллар)	78
И.Ғуломов Туркистон ўлкасида аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига оид айрим мулоҳазалар (1897-1920 йиллар мисолида)	85
Р.Расулова Ўзбек ва татар маърифатпарварларининг ҳамкорлик муносабатлари	90
Ш.Саидахматов Урбанизация ижтимоий жараён сифатида: тарихшунослик таҳлили	95

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АРХИВ ИШИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ

МЕЖДУНАРОДНЫЕ СВЯЗИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ОБЛАСТИ АРХИВНОГО ДЕЛА

INTERNATIONAL RELATIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN THE FIELD OF ARCHIVING

Арслонзода Раҳматжон Арслонбоевич¹, Муйдинов Донёржон Авазбек ўғли²

- ¹Арслонзода Раҳматжон Арслонбоевич – Фарғона давлат университети, тарих фанлари номзоди.
²Муйдинов Дониёржон Авазбек ўғли – Фарғона давлат университети, магистрант.

Аннотация

Мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон архивларининг МДХ мамлакатлари ва олис хориж давлатлари билан ҳамкорлик алоқалари ёритилади. Муаллифлар конкрет фактик материаллар асосида республикамиз архив идоралари ва муассасаларининг хорижий ҳамкорлар билан олиб бораётган икки томонлама ва кўп томонлама алоқалари, ушбу ҳамкорликнинг ижобий натижаларини кўрсатиб берадилар.

Аннотация

В статье освещается сотрудничество архивов Узбекистана со странами СНГ и дальнего зарубежья в годы независимости в области архивного дела. Авторы на основе конкретного фактологического материала раскрывают двусторонние и многосторонние связи архивных учреждений нашей республики с зарубежными партнерами и показывают их позитивные результаты.

Annotation

This article highlights the cooperation of archives of Uzbekistan with the countries of the CIS and far abroad in the field of archiving in the years of independence. On the basis of concrete factual material, the authors reveal relations of archival institutions of our republic with foreign partners and show their positive results.

Таянч сўз ва иборалар: Халқаро Архивлар Кенгаши, EURASICA, Америка Холокост хотира Кенгаши, “Росархив” агентлиги, ТИКА, “Жаҳон хотираси” дастури, интеграция, шартнома, битим, меморандум, рақамлаштириш, электрон архивлар.

Ключевые слова и выражения: Международный Совет архивов, EURASICA, Американский мемориальный совет Холокоста, агентство “Росархив”, ТИКА, программа «Память мира», интеграция, договор, соглашение, меморандум, оцифровка, электронные архивы.

Keywords and expressions: International council of archives, EURASICA, American Holocaust Memorial Council, agency “Rosarchiv”, TICA, program “Memory of the World”, integration, contract, agreement, memorandum, digitization, electronic archives

Архивлар фаолиятининг узлуксиз равишда такомиллашиб боришида халқаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Шу боисдан Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг архив иши соҳасида хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатишга катта эътибор берилди.

Биринчи галда МДХга аъзо мамлакатлар архив муассасалари билан алоқалар йўлга қўйилди.

Собиқ совет республикаларининг архив иши соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришда уларнинг архив хизмати идора раҳбарлари ҳамда МДХ давлатлари архивчилар жамияти бошлиқларининг учрашувлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бундай учрашувлар мунтазам равишда

Минск (1992 йил, апрель), Москва (1992 йил, июль; 1993 йил, октябрь), Киев (1994 йил, ноябрь) ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтди. Бу учрашувларда постсовет маконида пайдо бўлган янги мустақил давлатларда архив ишининг ҳолати тўғрисида ахборот алмашиш баробарида, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий талабларини қондириш ва илмий тадқиқотлар учун шароит яратиш борасида келишувлар имзоланди ва уларни бажариш механизмини ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида “МДХга аъзо давлатлар архив хизмати бошлиқларининг давлатлараро Маслаҳат кенгаши” тузилди. Маслаҳат Кенгашининг асосий вазифаси этиб

тузилмага аъзо бўлган давлатларнинг архив ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, архив ҳужжатларидан унумли фойдаланишга оид чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, деб белгиланди.

Ўзаро ҳамкорлик доирасида ёш архивчиларнинг билим ва касбий малакасини оширишга эътибор берилди. Масалан, 2017 йилнинг 26-30 июнида Алмати шаҳрида МДХ мамлакатлари ёш архивчиларининг ёзги ўқишлари бўлиб ўтди. Ёзги ўқишларда Белоруссия, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон архив муассасаларидан келган 49 нафар ёш архивчи иштирок этди. Россия Федерацияси ва Қозоғистоннинг архив иши соҳасидаги етакчи олим ва амалиётчи мутахассислари эксперт сифатида ёзги мактаб машғулотларида иштирок этдилар. Дарсларда қатнашиш баробарида иштирокчилар Қозоғистон Республикаси Президенти Архивига ташриф буюриб, бу ерда жорий этилган “Электрон архив” тизими ва Алмати шаҳар марказий давлат архиви фаолияти билан танишдилар [4,126].

МДХга аъзо давлатлар архив хизмати бошлиқларининг давлатлараро Маслаҳат Кенгашига аъзо бўлиш республикамиз архивчиларига архив иши ва иш юритиш соҳаси муаммоларини ҳал этишга қаратилган халқаро анжуманлар ва давра суҳбатларида иштирок этиш, соҳани ривожлантиришга оид долзарб масалалардан хабардор бўлиш ҳамда республикада архив иши сифатини халқаро андозалар даражасига кўтариш имкониятини берди. Айни вақтда МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик Ўзбекистон тарихига оид, лекин республикадан ташқарида сақланаётган архив ҳужжатларини аниқлаш ва уларнинг асл ёки электрон нусхаларини қайтариш масалаларини ижобий ҳал этиш, давлат чегараларини аниқлаштиришга оид ҳужжатларни олиш учун шароит яратди [12, 5].

“Ўзархив” агентлиги 2003 йил 21 майда “Росархив” агентлиги билан икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолади. Шартномада Россия Федерацияси ва Ўзбекистон давлат архив фондларини икки давлат тарихига доир муҳим ҳужжатларнинг

кўчирма нусхалари билан тўлдириш назарда тутилган эди. Натижада фақат 2010-2011-йилларда Ўзбекистонга 2 минг данадан ортиқ тасдиқланган архив ҳужжатлари ва 10 минг данадан зиёд республика давлат чегараларининг ўрнатилишига оид картографик материалларнинг нусхалари олиб келинди. Бундан ташқари, Россиянинг кинофотофоно-ҳужжатлар федерал архиви фондларида Ўзбекистоннинг XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларидаги тарихига оид 204 дона киноҳужжат, 1 306 дона фотоҳужжат ва 2 617 дона фоноҳужжатлар борлиги аниқланди [3,49-50].

Мазкур битим ҳар икки давлат ўртасида уларни қизиқтирган ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш имкониятини берди. Битим доирасида ҳар йили республикамиз архивларига Ўзбекистон тарихига оид бўлган, аммо Россияда сақланаётган ҳужжатларнинг нусхалари келиб тушади. Шу билан бирга, улар ҳар икки давлатда ташкил этилаётган архив кўргазмаларида ўз ҳужжатларини намойиш этмоқдалар. Масалан, шартнома доирасида 2015 йилнинг октябрь ойида Москвада федерал архивларнинг Кўргазмалар залида “Ўзбекистон Улуғ Ватан уруши йилларида” мавзусидаги тарихий ҳужжатлар кўргазмаси ташкил этилди. Орадан беш йил ўтгач, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Екатеринбург шаҳрида ташкил этилган “Россия: Моя история” (“Россия: Менинг тарихим”) мультимедиа паркида “Вспомним: Трудовое сражение” (“Хотира: Меҳнат жасорати”) мавзусидаги халқаро кўргазмада Ўзбекистон кино, фото ва фоно ҳужжатлар миллий архивида сақланаётган материаллар намойиш этилди [12,1].

2006 йилдан бошлаб 30 нафардан ортиқ ўзбекистонлик давлат архивлари ходими Россиянинг Ҳужжатшунослик ва архив иши илмий-тадқиқот институтида ўз малакасини оширди. Улар ҳужжатларни сақлаш, электрон архивлар билан ишлаш, ўчиб кетаётган матн ва тасвирларни тиклаш, замонавий илмий-маълумот аппаратини тузиш борасида тажриба алмашдилар [3,52]. 2020 йилда Россия Федерацияси Пенсия жамғармаси билан ҳужжатларни ўзаро электрон алмашиш бўйича шартнома имзоланди [12,1]. Юқорида келтирилган факт ва мисоллар икки давлат ўртасидаги

ТАРИХ

ҳамкорлик алоқалари яхши самара бераётганлигидан далолат беради.

2007 йилда “Ўзархив” агентлиги Қозоғистон Республикаси маданият ва ахборот вазирлиги билан архив иши соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Ҳар икки томон архив иши соҳасига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, архившунослик ва ҳужжатшуносликка оид янги адабиётлар ҳамда эълон қилинган архив ҳужжатларини айирбошлаш ҳақида келишиб одилар [3,50].

2009 йилнинг октябрь ойида Украина давлат архив кўмитаси ва “Ўзархив” агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Шартномада икки давлат архив муассасалари ўртасида алоқаларни ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳужжатли меросдан фойдаланиш бобида ҳамкорлик қилиш назарда тутилди [3,49].

Архив муассасаларининг фаолиятини такомиллаштиришда олис хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутди. Аммо собиқ СССР даврида Ўзбекистон архивлари улар билан мустақил алоқа қилиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг вазият ўзгарди. Республикамиз архивлари олис хориж мамлакатлари архивлари билан мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйдилар. “Ўзархив” агентлиги хориждаги мутасадди ташкилотлар ва идоралар билан ҳамкорлик муносабатларни ўрнатиш, улар билан архившунослик, археография, иш юритиш, электрон ҳужжат айланиши соҳасида илмий ва методик ишларни мувофиқлаштириш, халқаро илмий тадқиқотлар натижалари ва илмий-техника ютуқларини республика архивлари амалиётига жорий этиш учун бир қатор шартномалар имзолади ва уларни бажаришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширди.

Ўзбекистон Бош архив бошқармасининг олис хориж архив ташкилотлари билан алоқалари 1994 йилдан бошланди. Шу йилнинг декабрь ойида бошқарма бошлиғи П.Н.Нигматов ЮНЕСКО томонидан Малайзияда ўтказилган Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари архив хизмати раҳбарлари учрашувига таклиф этилди. Учрашувда 16 та давлатнинг архив хизмати раҳбарлари иштирок этдилар. Учрашувдан сўнг П.Н.Нигматов ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастурининг Осиё-Тинч океани

экспертлар гуруҳи йиғилишида қатнашди. Йиғилишда архивларнинг аҳволи ва уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда тутган ўрни ҳақида фикр алмашилди. Шундан кейин Ўзбекистон архивчилари бундай халқаро учрашувларда доимий равишда иштирок этиб келмоқдалар. 1997 йилнинг сентябрь ойида эса Тошкентда “Жаҳон хотираси” дастури доирасида ёзма меросни консервация қилиш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича минтақавий учрашув бўлиб ўтди [7,1-3].

Халқаро ҳамкорлик жараёнида архив иши соҳасида хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланишга асосий эътибор қаратилди. Масалан, 1995 йилнинг август-сентябрь ойларида Ўзбекистон делегацияси АҚШ ахборот агентлигининг таклифига биноан “Меридиан” халқаро маркази томонидан ташкил этилган “Миллий архивларни сақлаш” дастурида қатнашди. Дастур махсус Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон архивчилари учун ишлаб чиқилган бўлиб, унда АҚШда архив иши соҳасида тўпланган тажрибани ўрганиш асосий вазифа қилиб қўйилган эди. Шунингдек, Ўзбекистон вакиллари Вашингтонда ўтказилган “Уруш, архивлар ва миллатлар ҳуқуқининг ўзаро тан олиниши” мавзусидаги конференция ишида ҳам иштирок этдилар [9, 1-8].

“Ўзархив” агентлиги 2003 йил 6 июлда Американинг Холокост хотира кенгаши ва Вашингтондаги Холокост хотира музейи билан икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзолади. Ўзбекистоннинг миллий ва давлат архивларида Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига эвакуация қилинган шахслар тақдири билан боғлиқ ҳужжатлар мавжуд. Ушбу ҳужжатлардан самарали фойдаланиш мақсадида “Ўзархив” агентлиги ва Холокост хотира музейи ўртасида имзоланган шартномада Ўзбекистонга эвакуация қилинган одамлар тақдирига алоқадор маълумотларни ўз ичига олган фондлардан фойдаланиш мақсадида очиқ архив ҳужжатларини каталоглаштириш, уларга мавзуй шарҳлар тузиш ва уларни рақамлаштириш соҳасида ҳамкорлик қилишга келишиб олинди [10; 12,3].

Холокост музейи “Ўзархив” агентлигига ўз фондларида сақланаётган Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ ҳужжатларнинг нусхаларини тақдим этиш, ўзбекистонлик

архивчилар ва тадқиқотчиларга интернет тармоғи орқали маълумотлар каталоги ҳамда архив ҳужжатлари билан танишишга имконият яратиш каби вазифаларини ўз зиммасига олди. Шартномага биноан, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ходимлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида республикамизга яҳудийларнинг кўчирилиши билан боғлиқ ҳужжатларни топиш ва тавсифлаш бўйича талай ишларни амалга оширдилар. Ўзбекистон архивларида олиб борилган бу ишларни Холокост хотира кенгаши молиялаштирди. Аммо ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилган қатор вазифалар, жумладан, “Ўзархив” агентлигига Холокост архивида сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатларни тақдим этиш, уларни топиш учун интернетдаги ахборот-қидирув тизимига уланиш каби масалалар амалга ошмай қолди [3,50; 12,3-4]. Бундан қатъий назар, “Ўзархив” агентлиги ва Холокост хотира музей ўртасидаги алоқалар тўхтаб қолмади. Масалан, 2021 йил 28 январда “Ўзархив” агентлигида “Архивда Холокост акс садоси: манбалар ва тадқиқотлар” мавзусида халқаро илмий семинар бўлиб ўтди. Семинарда Исроилнинг Ўзбекистондаги элчиси Зехарит Бен-Хиллел, АҚШ Холокост ёдгорлик музейи ва “Ўзбекистон-Исроил” дўстлик жамияти вакиллари ҳамда Ўзбекистон, Россия Федерацияси ва Қозоғистон тарихчи олимлари иштирок этдилар [14].

2006 йил 31 октябрда Ўзбекистон ва Греция Республикаси ҳукуматлари ўртасида архив иши соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум имзоланди. Унда ҳужжатларни реставрация қилиш билан шуғулланувчи ўзбекистонлик мутахассисларнинг Грецияда стажировка ўтишларини йўлга қўйиш, матни ўчиб бораётган ҳужжатларни тиклаш, архив ҳужжатларини рақамлаштириш каби вазифалар белгиланганди. Меморандумда биргаликда архив ишига бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва ўқув курслари ташкил этиш назарда тутилди. “Ўзархив” вакили Ж.Муродов Грециянинг дин ишлари ва миллий таълим вазирлиги ҳамда Архив ва кутубхоналар Бош кенгаши томонидан ишлаб чиқилган дастурда иштирок этди. Дастур қатнашчиларига Грециядаги давлат ва нодавлат архивларининг аҳволи, архив ва

кутубхоналар учун кадрлар тайёрлаш масаласига бағишланган семинар-тренинглар ташкил этилди. Шунингдек, қатнашчилар ҳужжатларни рақамлаштириш ва уларнинг электрон базаси ва электрон каталогларини тузиш жараёни билан танишдилар [6,30-32].

Яна бир халқаро лойиҳа архив ишини модернизация қилишга қаратилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архивларини реконструкция қилиш ва Корея Республикаси ҳукумати грантини жалб этган ҳолда уларни техник жиҳатдан модернизациялаш тўғрисида” ги Қароридан бошланди. Қарорга биноан, “Ўзбекистон марказий давлат архивларини ахборотлаштириш” деб номланган лойиҳа ишлаб чиқилди. Лойиҳада икки давлат ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистондаги учта марказий давлат архивининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни архив материалларини рақамлаштирувчи жиҳозлар билан таъминлаш, электрон архив фондларини яратиш кўзда тутилган эди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Корея Республикаси ҳукумати 2008-2009 йилларда 3 миллион АҚШ доллари миқдорида грант ажратди. Лойиҳа доирасида марказий давлат архивлари замонавий компьютерлар, қоғоз ва аудиовизуал ҳужжатлар учун мўлжалланган сканерлар (жами 50 дона), 3 та “Hyundai starex” русумли микроавтобус билан таъминланди, архив сақловхоналарида замонавий кондиционерлар ўрнатилди [3,51]. Бошида корейс мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ва ўрнатилган архивларни бошқариш тизими техник жиҳатдан поёнига етказилмади. Тизимдаги доимий узилишлар ва ушбу дастурга жалб қилинган кадрларнинг қўнимсизлиги боис архив ҳужжатларининг автоматик қидирув тизими кутилган натижа бермади. 2011 йилнинг 17-23 декабрь кунлари Жанубий Кореянинг “Samsung SDS” компанияси мутахассислари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига келтирилган қурилмалар ҳолати ўрганилди ҳамда мавжуд муаммолар бартараф этилди [13,10].

ТАРИХ

Архив ҳужжатларини автоматлаштириш бўйича Кореяда тўпланган тажриба ва бу ерда жорий этилган “ERAMS” дастури (“Elektron record archive management system”) билан танишиш мақсадида Сеулдаги Ахборот-ресурс марказида тизимли администраторлар, операторлар ва рақамлаштириш бўйича мутахассислар учун семинар-тренинг ўтказилди, архив раҳбарлари учун алоҳида стажировка ташкил этилди [3,51; 11,55; 12,2].

Ўзбекистон архивларининг жаҳон архив ҳамжамиятига интеграциялашуви йўлидаги кейинги қадам 2009 йилнинг май ойида “Ўзархив” агентлигининг “А” категорияси бўйича Халқаро Архив Кенгашига аъзо бўлиб кириши бўлди. Халқаро Архив Кенгаши (ICA) 11 та бўлим ва 9 та секциядан иборат. “Ўзархив” агентлиги аксарият МДХ мамлакатлари архив бошқарув органлари аъзо бўлган EURASICA бўлими ишида иштирок этмоқда. Агентлик Халқаро Архивлар Кенгашининг 4 йилда бир марта ўтказиладиган конгресслари ва ҳар йили ўтказиладиган EURASICA бўлими йиғилишларида қатнашиб келмоқда. Агентликнинг Халқаро Архивлар Кенгашига аъзо бўлиб кирганлиги республикамиз архивчиларига архив иши ва иш юритиш соҳасидаги глобал ва локал муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, республикадан ташқарида сақланаётган ва Ватанимиз тарихига оид архив ҳужжатларининг электрон ёки асл нусхаларини аниқлаш ва уларни Ўзбекистонга қайтариш билан боғлиқ масалалар ечимини топишга имконият яратди [1,33; 3,49; 12,5].

2016 йилда Ўзбекистон делегацияси Сеул шаҳрида ўтказилган Халқаро архив кенгашининг XVIII конгрессида қатнашди. Конгресс майдончасида 2016 йил 17 августда Корея Миллий архиви ва “Ўзархив” агентлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Мазкур меморандумда тарафлар архив иши соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, архившунослик, археография ва ҳужжатшунослик бўйича адабиётлар, шунингдек, архив ҳужжатлари нашрларининг ўзаро алмашинуви ҳақида келишиб олдилар. Шунингдек, архив иши соҳасида экспертлар ва мутахассислар билан ўзаро алмашинув, ҳар йили 5 нафар ўзбекистонлик архивчиларнинг Корея Республикасида “Архивлар ва ҳужжатларни юритиш”

мавзусида ўтказиладиган қисқа муддатли тренинг-курсларда иштирок этиши, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси тадқиқотчилари учун икки давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлардан фойдаланиш учун шароит яратиш, ҳар икки мамлакат халқлари тарихи ва маданияти ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар билан ўз миллий архив фондларини тўлдириш мақсадида тарафлар бир-бирларига уларни аниқлаш ва нусхаларини тақдим этишга келишиб олдилар [12, 2].

2010-2013-йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви “The Archives Talk: Writing the Sotsial Historie of Pre-Soviet Central Asia” (“Архивлар овози: Ўрта Осиёнинг совет давридан олдинги тарихи лавҳалари”) дастурида иштирок этди. Ушбу дастурни амалга оширишда архив Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти ҳамда Мартин Лютер номидаги университетнинг Шарқшунослик институти (Германия) билан ҳамкорлик қилди. Дастур “Фольксваген” жамғармасининг молиявий кўмагида амалга оширилди. Дастур 3 қисмдан иборат эди. Унинг биринчи қисми илмий-тадқиқот характериға эға бўлиб, Ўрта Осиёнинг совет давридан олдинги ижтимоий тарихига бағишланган эди. Иккинчи қисм таълимий мазмунға эға эди, унда ёш манбашунос ва архившунос кадрларни тайёрлаш назарда тутилди. Дастурнинг ушбу қисми иштирокчилари учун халқаро ёзги мактаблар ташкил этилиб, уларға дарс бериш учун Европадан етакчи шарқшунос ва тарихчи олимлар таклиф этилди. Дастурнинг учинчи қисми архивлар фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлиб, унда ҳужжатларни рақамлаштириш, илмий тавсифлаш ва архив ҳужжатларининг электрон каталогларини тузиш, шунингдек, каталоглар ва ҳужжатлар тўпламларини нашр этиш назарда тутилган эди. Дастур якуни бўйича Ўзбекистон Марказий давлат архиви ҳужжатлар ва микрофильмларни рақамлаштириш бўйича замонавий техник воситалар билан таъминланди, 7 нафар ёш тадқиқотчи тайёрланди, улардан 2 нафари диссертация ҳимоя қилди [3,51-52].

2014 йилда “Ўзархив” агентлиги ва Туркиянинг ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги (TICA) ўртасида тузилган битимға биноан, архив ҳужжатларини реставрация қилиш техникаси ва жараёнини

такомиллаштиришга қаратилган халқаро лойиҳани амалга ошириш режалаштирилди. Шу мақсадда 15-25 июнда Ўзбекистон архивчилар делегацияси Туркияга ташриф буюрди. Ташриф давомида ўзбекистонлик мутахассислар учун Усмонийлар давлат архивида ўқув ва амалий машғулотлар ташкил этиш, шунингдек, ЎзР МДАда сақланаётган вақф ҳужжатларини реставрация қилиш ва рақамлаштириш учун замонавий техникавий жиҳозлар сотиб олишга келишиб олинди. Аммо ТІСА раҳбариятининг алмашганлиги боис кейинги вазифа амалга ошмай қолди [3,52].

Кейинчалик Туркия билан архив иши соҳасида ҳамкорлик қилиш борасида янги ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, 2015 йил 14 февралда Туркия Жумҳурияти Бош вазири девони ҳузуридаги Ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари билан ўтказилган учрашув баённомасида, 2018 йил 30 апрелда имзоланган Туркия Республикаси Бош Вазири девони ҳузуридаги давлат архивлари Бош дирекцияси ва “Ўзархив” агентлиги ўртасида архивлар соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги баённомада, шунингдек, Агентлик билан Бош дирекция ўртасида маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича имзоланган келишувда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 2019 йил 11 мартда амалий ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Ушбу режага мувофиқ, икки давлат ўртасида 100 дан ортиқ архив ҳужжатлари ўзаро алмашилди. Томонлар Ўзбекистон архивларида сақланаётган вақф ҳужжатларининг репродукциялари (муляжлари) ни яратиш, шунингдек, архив ҳужжатлари кўргазмасини ташкил этиш, вақф ҳужжатларини муҳофаза қилиш ишларини йўлга қўйиш, масофавий малака ошириш курсларини жорий этиш ҳамда архив ҳужжатларининг электрон базаларини яратиш бўйича ўзаро ҳамкорликни мустақамлашга келишиб олдилар [12,1-2].

Халқаро ҳамкорлик архив иши соҳасидаги илғор тажрибани ўрганиш ва архив ходимларининг малакасини оширишда ҳам яхши самара бермоқда. Масалан, ЮНЕСКО ҳомийлиги остида Малайзия миллий архиви қошида ўқув курси ташкил этилган эди. Ўқув курси Малайзия ҳукумати томонидан молиялаштирилди. 1999-2004-

йилларда 10 нафардан ортиқ ўзбекистонлик архив ходими бу ерда икки ой давомида малака оширди. Улар архив менежменти, қоғоз асосдаги ҳужжатларни консервация қилиш ва муқовалашнинг замонавий усулларини ўргандилар [12,52].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 2-апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада мустақамлаш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4256-сонли Қарори билан тасдиқланган Йўл харитасининг тегишли бандига мувофиқ давлат архивларини замонавий ускуналар билан таъминлаш мақсадида “Ўзархив” агентлиги ва БАА Миллий архиви ўртасида ўзаро Англашув меморандуми” имзоланди [12,4].

Хорижий тажрибани инobatга олиб, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда архив иши ва иш юритиш соҳасида фаолият олиб бораётган ходимлар малакасини ошириш тизимини шакллантириш, бу соҳада хорижий давлатларнинг илғор иш тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш, хорижий архивларда сақланаётган Ўзбекистон тарихига оид архив ҳужжатлари нусхаларини олиб келиш каби вазифаларни амалга ошириш “Ўзархив” агентлиги томонидан амалга оширилаётган халқаро алоқаларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Юқорида келтирилган маълумотлар бу борада агентлик томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, архив иши соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ўтган асрнинг охирида Ўзбекистон архивларига ўзига хос “ахборот қамали”дан чиқишга, хорижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш ва ўз ҳамкасблари билан алоқалар ўрнатиш имкониятини берди. Гарчи айрим битимларда назарда тутилган вазифалар ташкилий ва молиявий сабабларга кўра тўла амалга ошмаган бўлса-да, бундан қатъий назар, мустақиллик йилларида республика архивчилари хорижий касбдошлар билан ҳамкорлик қилиш борасида тажриба орттирдилар, Ўзбекистон архивлари жаҳон архив ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топди. Халқаро ҳамкорлик архивларда замонавий ахборот

ТАРИХ

технологияларини жорий этиш, моддий- Буларнинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда техника базани мустаҳкамлаш, кадрлар архив иши тобора сифат жиҳатидан янги салоҳиятини ошириш имкониятини берди. босқичга кўтарилмоқда.

Адабиётлар:

1. Аббасова С. Роль архива в системе научного знания об истории Бухарской области // Infolib: Ахборот-кутубхона хабарномаси. 2016. № 3.
2. Исакова М.С. Информатизация центральных государственных архивов Узбекистана // Отечественные архивы. 2011. № 4.
3. Исакова М.С. Интеграция архивов Узбекистана в мировое архивное сообщество в постсоветский период // Отечественные архивы. 2018. № 6.
4. Тулетбеков А.М. Летняя школа архивистов стран СНГ // Отечественные архивы. 2017. № 5.
5. Махкамов А.В. Сотрудничество архивистов Узбекистана и Турции // Отечественные архивы. 2018. № 6.
6. Муродов Ж. О командировке в Грецию // Бюллетень Архивного управления при Кабинете Министров Республики Узбекистан. 2009. № 40.
7. Нигматов П.Н. Встреча Азиатского регионального и международного Консультативного Совета ЮНЕСКО по программе "Память Мира" // Бюллетень Архивного управления при Кабинете Министров Республики Узбекистан. 1997. № 18.
8. Нигматов П.Н. Встреча руководителей архивных служб Азиатско-Тихоокеанского региона с экспертами программы "Память Мира" ЮНЕСКО // Бюллетень Архивного управления при Кабинете Министров Республики Узбекистан. 1995. № 13.
9. Нигматов П.Н. Информация об итогах поездки представителей архивной службы Узбекистана в США // Бюллетень Архивного управления при Кабинете Министров Республики Узбекистан. 1995. № 14.
10. Холматова М. Архивлар ҳамкорлиги // Халқ сўзи. 2003. 19 июнь.
11. Усмонов А. Ўзбекистонда архив ишининг истиқболлари // Infolib: Ахборот-кутубхона хабарномаси. 2017. № 1.
12. "Ўзархив" агентлигининг ҳамкорлик бўйича имзоланган халқаро ҳужжатлар ва хорижий мамлакатлар архив идоралари билан ўрнатилган халқаро муносабатлар тўғрисида" ги 2020 йил 3 декабрда тақдим этган 01-26/1076-сонли маълумотномаси. 6 варақ.
13. 2011 йилда соҳанинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти яқунлари // Архив иши ва иш юритиш соҳаси ахборотномаси. 2012. 45-сон.
14. <http://www.archive.uz/post/arxivdagi-xolokost-aks-sadosi-manbalar-va-tadqiqotlar>.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).